

ҚўЛИНГ ГУЛ БЎЛСА, УМРИНГ ГУЛ БЎЛАДИ

Қўллари меҳнатга эврилган одамнинг кўнгли ҳам эзгуликка эш бўлади. Уша нақшбандия тариқати салафларининг машхур ҳикмати эсланг-а: «Дил ба ёру, даст ба кор!». Баайни Зебога қарата айтилгандек. Зеро, у ҳам амали эзгу, фазли тоза, боз устига, қилаётган меҳнати туфайли дасти узун, саховатпеша аёл.



ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI
MILLIY KUNGLAR KUNGLARI

2010 йил — Баркамол авлод йиллиги бўлиши билан бошладик. Мустақиллигимиз ҳам болалик, ўсмирлик давридан ўтиб, ёшлик ва баркамоллик фаслига кирди. Ёшлик — куч-қувват, ақл-салоҳият, меҳр-муруват ва саховат дегандир. Янгилик, ўсиш, тараққиёт, бунёдкорлик, меҳнатқашлик — ёшликка хос фазилатлардир.



КУНЧИҚАР МАМЛАКАТДА
ШАРҚ ДУРДОНАСИ ТАКДИМОТИ

Сетагая уюшмаси Президенти Татсуко Кишидининг таъкидлашига кўра, Ўзбекистон улкан саясий салоҳияти ва ҳамон инсонлар тасаввурини лол қолдириб келаётган бебаҳо тарихий ёдгорликларга эгадир.



ADOLAT

Inson manfaatlarini — oliy qadriyat

Ўзбекистон
«ADOLAT»
SOTSIAL-DEKORATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

№ 7
(763)
2010 йил,
18 февраль,
пайшанба

adolat_sdp@doda.uz

Ўзбекистон «Адолат» СДП 15 ёшда

Йиллар, босиб ўтилган йўллар тараққиёт ва камолотга етаклайди. Бундан роппа-роса 15 йил илгари — 1995 йилнинг 18 февраль куни бўлиб ўтган партиянинг биринчи таъсис Қурултоида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда таркиб топган кўппартиявийлик асосида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташкил этилди. Партия сиёсий майдонга чиққан ўша кундан эътиборан ижтимоий адолат ғояси тамойиллини илгари суриб, аҳолининг турли ижтимоий қатламлари манфаатларини ифодаловчи жиғислашган сиёсий куч сифатида ўзини кўрсата олди.

Бугун ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон «Адолат» СДП ўзининг 15 йиллик тарихи давомида миллий манфаатларимизга, эзгу орзу-ниятларимизга тўла жавоб берадиган тараққиёт йўлини босиб ўтди. Хусусан, партиянинг таъсис Қурултоидан кейинги давр оёққа туриш, ташкилий ва ғоявий жиҳатдан ўсиш даври бўлди. Партиянинг Сиёсий Кенгаши таркиб топди. Барча вилоят, туман ва шаҳарларда партия Кенгашлари иш бошлади. Янги-янги бошланғич партия ташкилотлари тузилди. Кўплаб фуқаролар партия сафига кира бошлади. 1999 йилга келиб партиямиз аъзолари сони 40 минг кишига етган бўлса, бугунги кунда улар қарийб 80 минг нафарни ташкил этмоқда.



ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташкил этилганидан то ҳозирги кунга қадар ўзига хос шаклланиш, ривожланиш ва тараққиёт йўлини босиб ўтди



Ўша йилнинг 9 октябрида бўлиб ўтган партиянинг II Курултоидан сўнги даврда партиянинг халқаро алоқалари сезиларли даражада мустақамланди. Турли хорижий давлатлар парламентлари ва сиёсий партиялари билан тажриба алмашилди. Шунингдек, 2000 йилдан бошлаб партия-мизда хотин-қизлар билан ишлаш сезиларли даражада фаоллашди. Сиёсий Кенгаш қошида «Еш адолатчилар» Кенгаши фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП мамлакат парламенти ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини шакллантиришда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. 2009 йилдан 2011 йилгача бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловларида муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, 1999 йилги сайловларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси партиядан 11 нафар номзод ва маҳаллий Кенгашларга 60 нафар



номзод депутат этиб сайланди. Кейинги сайловда (2004 йил декабрь — 2005 йил январь) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 10 нафар, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлигига 169 нафар депутат сайланшига эришилди. Яқинда бўлиб ўтган сайловлар

натижалари эса янада салмоқли бўлди. Парламент куйи палатасидаги партия фракцияси аъзолари 19 кишини ташкил этди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари (шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар Кенгаши)га 3 нафардан 11 нафаргача аъзоси бўлган депутатлик гуруҳларини ташкил этишга эришилди. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари даражасидаги депутатлар сони эса 364 кишига етди.

(Давоми 2-бетда.)

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Марказий Осиёда ягона бўлган Қўнғирот сода заводида ўтган йили хорижга 5,54 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда маҳсулот экспорт қилинди. Бу миқдор «Баркамол авлод йили»да янада ошиб, экспорт ҳажми 30 минг тоннага етказилиши кўзда тутилган. Зеро, йил бошидан буюн чет эллик буртмачиларга жўнатилган маҳсулот ҳозирроқ 680 тоннадан ошиб кетди.

БУХОРО. Шаҳардаги «Шаҳбоз-Шаҳром» хусусий корхонаси асосан гилам ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса-да, яқинда бу ерда полипропилен ип-кавала маҳсулоти тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Импорт ўрнини босувчи мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳозирча ойига 120 тонна раққиёт банкнинг 1,5 миллион долларлик кредити эвазига келтирилган замонавий технологиялар тўла ишга тушгач, полипропилен ип-кавала ҳажми икки баробар ортади.

АНДИЖОН. Избоскан туманининг Мойгир қишлоғида аҳолига сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш йўлида тез тиббий ёрдамнинг янги маскани ишга туширилди. Мазкур муассасада ҳозир 5 нафар малакали врач, 8 нафар ҳамшира ва фельдшер аҳоли саломатлиги муҳофазаси йўлида хизмат қилмоқда. Эндиликда ўн минглаб мойгирликлар тез тиббий ёрдам учун аввалгидек туман марказига қатнашлариغا ҳолат қолмади.

ЖИЗЗАХ. Жорий йилнинг ўтган январь ойидаёқ бу ердаги «Fora Seafood» хорижий корхонаси 2 тоннага яқин балик филесини хорижга экспорт қилди. Вилоятнинг Дўстлик тумани ҳудудида жойлашган корхонада 307,5 минг АҚШ доллари амалга оширилиб, модернизация иш-замин ҳозирланди. Яна бир жиҳати, ишлаб чиқариш ҳажми ошиши билан бандлик дастурига кўра бу ерда 20 та янги иш жойлари ҳам вужудга келди.

НАВОЙ. Хатирча туманида қишлоқларга олиб борувчи йўллар таъмири ва уяг атраф-ида ободонлаштириш ишларига сўнги йилларда катта эътибор берилмоқда. Бу мақсадлар учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 311,2 миллион сўм маблағ ажратилгани билан йўл ҳўжалиги оид кўплаб саволлар юбориш жараёнини янада тезлаштириб давлат тўлиқ қўллаб-қувватлаш билан бандлик дастурига кўра бу ерда 17,5 километр узунликдаги ички йўлларга сифатли асфальт ётқизилди.

Партия ҳаёти

ИШОНЧ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Уловимиз об-ҳаво ноқулай бўлишига қарамастан пойтахт вилоятининг олис тоғли қишлоғи — Нишбош томон дадил ҳаракатланарди. Ён-атрофга ниятда гўзал. Ҳаммаёқ оппоқ қорга бурканган. Барчанинг кайфияти хуш. Ана шундай бир пайтда, тоғ этаги бўйлаб кетаётган автоловимизнинг ҳаракатланиши қийинлаша бошлади. Бироқ, ҳар қанча қийинчилик бўлмасин, биз кўзлаган мақсад-манзил сари олға бордик...

1435 нафар аҳолига эга бўлган қишлоқ аҳлининг меҳмоннавоз, маърифатли, санъатга ошуфта кишилар эканлигини илк сўхбатданок пайқайсиз. Айниқса, улар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалаларга бефарқ эмас. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, юз бераётган янгиликлар, бунёдкорлик ишлари хусусида нутқ сўзлади. — Мамлакатимизда ёшларга эътибор йил сайин кучайтирилаётганлигига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, — деди Исмоил Саифназаров. — Ажойиб анъанага айланган янги йилнинг янги ном билан номланиши таг

замирида ҳам бевосита ёшлар ҳаётига дахлдор кўплаб муҳим масалалар бор. Чунончи, муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ва шу номда қабул қилинган Давлат дастурида ҳам бу ишларнинг давомийлиги ўз аксини топган. Хусусан, дастурда қайд этилганидек, ташкил жараёнига янги ахборот-коммуникация ва илгор педагогик технологиялар, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш мамлакатимиз миллий таълим тизимини жаҳон стандартлари даражасида ривожланишининг асосий омилларидандир. Бу эса, ўқувчи ва мураббийлар зиммасидаги масъулият ва вазифани янада кучайтиради.

(Давоми 2-бетда.)

СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ИМТИЁЗЛАР

Кўнгли ютирувчи субъектларга катта имконит яратмоқда

Ихтиёрида 24 миллиард сўм маблағ қолиши кутилмоқда. Микрофирма ва кичик корхоналар учун эса ягона солиқ тўлови ставкаси амалдаги 8 фоиздан 7 фоизга туширилди. Бу микрофирма ва кичик корхоналар ихтиёрида 18 миллиард сўм қўшимча маблағ қолишига имкон беради. Бугунги кунда республикада фаолият юритаётган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг деярли 34-35 фоизи Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Мазкур корхоналар юқоридagi солиқ имтиёзларидан фойдаланган ҳолда ихтиёс қилиб қолган маблағлари эвазига ўз ишлаб чиқаришини янада кенгайтириши, замонавий технология жижҳозлар сотиб олиши, иш ҳақини ошириши ва ходимларни моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориши кўзда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси амалга киритилганидан буюн унинг амалий ижросини диққат билан ўрганиш, қандай шароитларда самара бераётгани,

Нодир СУВОНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати мутахассиси.

